


“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



ЮРИДИК ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМА СИ

№ 440039/2

Янгиқўрғон туман тиббиёт
бирлашмаси

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун
ШАРТНОМА
2022 йил “05” январь 440039/2 -сон
Янгиқўрғон тумани
(шартнома тузилган манзил)

“Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти
Янгиқўрғон туман электр таъминоти корхонасида “низом” асосида фаолият
юритувчи раҳбари А.Рустамов (кейинги ўринларда
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда низоом асосида фаолият юритувчи Янгиқўрғон
туман тиббиёт бирлашмаси

(“Истеъмолчи”нинг номи)

раҳбари Л.Ахмедова (кейинги ўринларда
("Истеъмолчи" раҳбарининг Ф.И.Ш.)

“Истеъмолчи” деб аталади), хисоб рақами -

А	4	0	0	3	9
---	---	---	---	---	---

 инчи
томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади)
мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда -
энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол
қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергияни хисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 241111 кВт.с. реактив _____ кВт.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи
109999900 сўмини, тариф(лар) буйича 450

тариф тарихи: табиғатга таъминот, бир ставкаси ёки 08.11.2017 йилдан III-3379 нисба бўлишида кўрсатилган маълумот шунинг қиқарувчи ва айрим
ҳажмлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (серақалиш ёлиқиси)

ташқил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми
ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори
ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари
асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини
хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа
воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан
ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнагилади, пломбапанади
ва рўйхатдан ўтказилади.

III. Хисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган махсуслот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярым тизим пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тизим пайт – энг катта юкلامали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкلامали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунг пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкلامали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсуслот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли ҳил тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбаидан электр билан таъминланганда, хисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гуруҳи учун алоҳида ўрнатилиди.

Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатилган рақ қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича хисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.5. Истеъмолчи хисоб-китоб даври туғандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вақили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “30” санасигача Корхонага ва Бюрога тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тизим, ярым тизим ва туңги пайтларда фойдаланилган энергия хажмлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар қўйилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳисобланади.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бундан электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги I ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатolikлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.8. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хохлишни билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 барабар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди. (Ў.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтказ қувват қаради)

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги хисобот асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Корхона томонидан махсус дастурий махсуслот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варағини электрон хисобварақ-фактура шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларнинг мансублик баланси бўйича масъуллик чегараси далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоқнинг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда Ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тингиз, ярим тингиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги Ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов Ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий Ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро Ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта Ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек Ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта Ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови Ҳисобга ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида Ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги Ҳисоб-китобларда Ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб оғидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб Ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдориди, электр-энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган қорхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдориди пеня Ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада Ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдоридан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, Ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро Ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;
Ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни Ҳисобга олиш приборларини касдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда.

3.17. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта Ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолатларда маиший (аҳоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ўРҚ-327-сонли қонунига мувофиқ “Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтининг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича тўловни амалга ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф сонли Фармойишига кўра ҳудуддаги диний ташкилотлар Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича ҳақ тўлайдилар.

3.21. Истеъмолчининг Ҳисобга олиш прибори қуйидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш-ушбу турдаги Ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати тугаганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш –Ҳисобга олиш приборига зарар етказилганда, пломбаси бузилганда, қайта дастурлаш зарурияти юзга келганда;

в) эксперт қиёслаш-Ҳисобга олиш приборининг созлиғи, унинг фойдаланишга яроқлилиғи, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив ҳужжатлари талабларига мослиғи бўйича низоли масалалар юзга келганда.

3.22. Энергияни Ҳисобга олиш приборларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарори талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслаш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи хисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт йилни ташкил этади.

3.23. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Бюро ташаббуси билан ёки бошқа ваколатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Бюро Корхона томонидан тўланади.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ, ўрнатилган тартибда улаш;
сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақдирлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича тақдир мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) Корхона ва Бюрога тақдим этилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаишнинг талаб қилиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилиши талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплаиш талаб қилиш;
электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро ва "Ўзэнергоспекцияс" кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вақлининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамада бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан қуйдаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юктамали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,
энергетика тизимининг энг кўп юктамасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Бундан ташқари, уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар қуйдагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш-умумий ишлаб чиқариш ва технологик, яққа тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самардорлигини таҳлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қайтариш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қайтариш ва Энергияни тежашни ҳисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва келуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тақдирланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қайтариш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;
Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйдаги ҳужжатларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томондан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимда, Бюронинг хабардор қилган ҳолда, Истеъмолчини электр тармоқидан узиб қўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНХАТга уланган ёки энергияга олдидан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа ҳужжатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйдагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиши чегарасига ЧА Шартномасида кўрсатилган ҳажмда мунгазам етказиб бериш;
ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан оғохлантириш;

Истеъмомолчини электр энергиясини etkaziб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилмаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ etkaziб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмомолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва бағайил жавоб юбориш;

Истеъмомолчига ўрнатилган тартибда etkaziб берилган энергия хисобини юритиш;
Истеъмомолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўлайитириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмомолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмомолчиде ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;
сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини etkaziб бериш.

Қорхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Қорхона бунинг натижасида etkaziлган зарарни қоплашга, "Истеъмомолчи" эса etkaziлган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Қорхона Истеъмомолчи олдида моддий жавобгар бўлмайдиган агар:

Истеъмомолчи электр энергияси истеъмомолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмомолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси etkaziб берилмаганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созулаш билан боғлиқ ўчиритилар вақтида электр энергиясини etkaziб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчишлар ҳисобига содир бўлиб, энергияни etkaziб беришдаги танаффуслар юзага келганда, оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси etkaziб беришдаги узлишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.3. Қорхона Истеъмомолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган табиий офатлар ҳамда фавқулоқда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмомолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибиде ҳал қилинади.

VI. Яқуний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.
Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва кейинги ойда кучга қиради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ҳамда Бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реқвизитлари

Истеъмомолчи: Янгиқўрғон туман тиббийёт бирлашмаси

Юридик манзили Янгиқўрғон шаҳар А.Кучқаров куча 4-уй

Почта манзили

Ҳисоб рақами 100021860114117042130064058

МҲО: 00251

ИНН: 200118029

ОКОНХ: 91511

Истеъмомолчининг юридик манзили бўйича Кадастр рақами

Маҳалла номи

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган Истеъмомолчилар учун

Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги газначилик бўлими: Янгиқўрғон

туман Газначилик бўлими

Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХҚҚМ Тошкент бўлими

МҲО: 00014

Газначилик бўлими СТИРИ 201122919

(Истеъмомолчи телефон рақамлари, шу жумладан унинг расмий рақамлари кўрсатилган)

Статистик қодлар:

ОКЭД

СООГУ

СОАТО

КФС _____
КОЛФ _____
ОҚПО _____

Корхона:

Почта манзили Янгиқўрғон тумани, Чортоқ кўчаси 33-уй

Ҳисоб рақами 2263 6000 1005 1005 8377

Банк коди (МФО) 00224 (ИНН) 20048685

Телефонлар: 63-21-800 Факс: _____

Статистик кодлар:

СОГУ 01013

СОАТО 1714242

Корхона вакили

Истеъмолчи
А. Акбаров
М.Ў.
(Имзо, Ф.И.Ш., сана)



ЮРИДИК ХУЛОСА:

Маазкур электр таъминоти шартномаси *Янгиқўрғон* ЭТК шартнома юридиконсулт *Ш. Шайхоназаров* Ф.И.С.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиядан фойдаланиш қондалари" талабларига мурофид тузилган Шартнома мазмуни (шарти, томонлар жавобгарлигининг меъёри ва низоларни ҳал қилиш тартиби) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қолдехи ва "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ти қонун талабларига мос келади.

Юридиконсулт: _____
(имзоси)

Етказиб берилмаган энергия хажми

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури *бизнес*
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: *46* кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича руҳсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: таъкалалашгарилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 инги руйқатига кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи ҳамда Ў.р. ВМнинг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарори бўйича фаолият юридаган истеъмолчилар (кераклиги ёзилсин)

Йил, жами	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича
Январ	10000	
Феврал	8000	
Март	6444	
Апрел		
Май		
Йон		
Июл		
Август		
Сентябр		
Октябр		
Ноябр		
Декабр		

Ташкилот кунига ишлайди _____ соат, ойда *26* кун _____

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I _____, II _____, III _____



Корхона вакили

Истеъмолчи
А. Акбаров
М.Ў.
(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

электр таъминоти шартномасига 2 - илова

электр таъминоти шартномасига 1 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг балансида куйидаги электр қурилмалар мавжуд:
а) ҳаво линиялари _____

б) кабель линиялари С-15 АВВГ 16 ММ²

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси В. Ҳ. Ҳ. Навоий йўли 2. 17

20/60 кВА соғунг т. ш. қўрилган 0.4 кВ
сўроқ ваъна қўрилган 0.4 кВ
сўроқ ваъна қўрилган 0.4 кВ

3. Улардан куйидагиларга:

а) ҲҲҲ _____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) ҲҲҲ _____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,
Истеъмолчи билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди: ҲҲҲ
Бешмак бағра-матра қўрилган
20-сўроқ ваъна қўрилган

Вакиллар:

С. Аҳмедов
(Ф.И.Ш.)

ҲҲҲ (ИМЗО)
ҲҲҲ (ИМЗО)



Истеъмолчи _____ (Ф.И.Ш.)

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми АВВГ-16 _____;
Қучланиши 0.4 кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки 0.04 % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уиларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларига бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқолишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари шirkатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

ҲҲҲ Истеъмолчи: _____ (ИМЗО)
М.У. (ИМЗО)

М.У.



Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОҲ: авторрежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан ажратилган ташиқлотлар улагини
асутиларини пўлдорлигини шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича	
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида «Ўзэнергоинспекция»нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегрмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкلامали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкلامали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегрма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдориди белгиланади.

Истеъмолчи:
(Имзо)
М.Ў.



Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____ ишгиросида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Усуна юкلامасини технологик брон даражасига пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкلامалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маъсулот ишлаб чиқарилиши, усунанинг бузилиши, портлаш, ёнган, захарланиши ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан муҳтасо.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирди (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

- I босқич _____ кВт
- II босқич _____ кВт
- III босқич _____ кВт
- IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтгандан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигага узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкلامалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши суе таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юклатиш остида қолдирилади.

б) Ёнганга қарши захира насослар ва бошқа ёнганга қарши агрегатлар авария бронига кирмайдиган (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдидан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:

(Имзо)
М.Ў.



Корхона:

(Имзо)
М.Ў.



2022 йил "5" "январ" даги Янгикургон туман электр тармоклари корхонаси ва Янгикургон туман тиббиёт бирлашмасми уртасидаги умумий суммага тузилган 440039/2 -сонли шартномага

Электр-энергияси

(хизмат тури)

Булим 7072
Кичик Булим 130
Боб 054

Ойлар	квт	Нархи	Суммаси	Индексация суммаси
Январ	10 000	450	4 500 000	
Феврал	8 000	450	3 600 000	
Март	6 444	450	2 899 800	
1-Ч о р а к	24 444		10 999 800	
Апрел			-	
Май			-	
Июн			-	
2-Ч о р а к	-		-	
Июл			-	
Август			-	
Сентябр			-	
3-Ч о р а к	-		-	
Октябр			-	
Ноябр			-	
Декабр			-	
4-Ч о р а к	-		-	
Умумий жами	24 444		10 999 800	

нархи 24 444 450 10 999 800
Жами 24 444 10 999 800

Янгикургон туман электр тармоклари корхонаси
Манзили Янгикургон шаҳар Чорток кучаси
х/р 22636000100510058377
СТИР 200048685
МФО 00224
Наманган ш. АТ Саноат-Курилиш банк Нам. мин. ф.
ОКОНХ 11170
Рахбар *Е.И.Д.*



Янгикургон ТТБ
Манзили Янгикургон туман
шхв 100022860142427072130054058
СТИР 200118029
ОКОНХ 91511

Ҳазначилик бўлинмаси номи Янгикургон тумани буйича ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна х/в 23402000300100001010
ШХВ100022860142420000000000001
Банк МБ Ташкент шаҳар ХККМ
МФО 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919
Рахбар *Л.А.* Л. Ахмедова

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNI QONUN
XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№XZ 80618524

1.Loyiha turi: Shartnoma;

2.Loyiha nomi:

Yangiqo`rg`on tuman Tibbiyot birlashmasi va TETK o`rtasida elektr energiyasi yetkazib berish yuzasidan shartnoma tuzish to`g`risida..

3.Loyixa ishlab chiquvchi tashkilot va vaqti:

Yangiqo`rg`on tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 10 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 11 yanvar kuni "E-huquqshunos" dasturiga kiritilgan.

4. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



Sh.Mirzaahmedov

"11" yanvar 2022 yil